

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOGLIKNI SAQLASH VAZIRLIGI

Рўйхатга олинди:

№ БД -3.11

2019 йил "15" 04

Соғлиқни сақлаш вазирлиги

107-сонли Фируз

2019 йил "15" апрель

ИЧКИ КАСАЛЛИКЛАР. ФТИЗИАТРИЯ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 500000 – Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот
Таълим соҳаси: 510000 – Соғлиқни сақлаш
Таълим йўналиши: 5510900 – Тиббий биология иши

Тошкент – 2019

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил "25" 04 даги "107" - сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги тиббиёт олий ва ўрта махсус касб-хунар таълим муассасалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил "15" 04 даги "1" - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашда маъқулланган, ОУМТВнинг 2019 йил "7" 12 даги 1000-сонли буйруғи билан келишилган.

Фан дастури Тошкент тиббиёт академиясида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Набиева Д.А. - ТТА "1-сонли факультет ва госпитал терапия" кафедраси муdiri, т.ф.д., доцент
- Пулатова Ш.Б. - ТТА "1-сонли факультет ва госпитал терапия" кафедраси ассистенти.
- Парпиева Н.Н. - ТТА "Фтизиатрия" кафедраси муdiri, т.ф.д.
- Ходжаева М.И. - ТТА "Фтизиатрия" кафедраси доценти, т.ф.и.
- Массавиров Ш.Ш. - ТТА "Фтизиатрия" кафедраси катта ўқитувчиси

Такризчилар:

- Собиров М.О. - Тошкент Давлат стоматология институти 2-сон терапевтик йўналишидаги фанлар кафедра муdiri, т.ф.д., доцент.
- Парпиева Д.А. - Тошкент тиббиёт академияси "Ички касалликлар пропедевтикаси" кафедраси доценти
- Рустамова М.Т. - ТТА "2-сон ички касалликлар" кафедраси профессори
- Тошпулатова Ф.К. - ТошПТИ "Фтизиатрия" кафедраси муdiri, т.ф.д.

Фан дастури Тошкент тиббиёт академияси Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2019 йил "27 март" даги "8" -сонли баённома).

ИЧКИ КАСАЛЛИКЛАР

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мақсадларидан бири тиббиётда ҳар томонлама камол топган юксак маънавиятли шахсни тарбиялаб етиштириш, унинг илмий дунёқарашини шакллантиришдир. Ички касалликлар – кенг тарқалган касалликларнинг этиологияси, патогенези, таснифи, клиник кечиши, лаборатория, асбоб-ускуналар, клиник кўрсатмалар ёрдамида ташхис қўйиш, оқибати, асорати, олдини олиш чоралари, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда тезкор ёрдам кўрсатиш, мустақил равишда текшириш ўтказиш, ишга лаёқатлилигини билиш, даволаш асосларини ўргатадиган фан бўлиб, умумий амалиёт шифокори-бакалавр мутахассислигига оид тафаккур ва дунёқарашни шакллантиришда катта аҳамиятга эгадир.

Ушбу фан дастури Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандарти ва бакалаврият таълим йўналиши малака талабларига асосланган ҳолда тузилган. Ушбу дастур асосида замонавий педагогик технологияларни ўқитиш жараёнида қўллаган ҳолда, талабани назарий маълумотидан амалий кўникмаларни бажаришга ўргатиб, орттирилган кўникмаларни замонавий тиббий технологиялар орқали клиник амалиёт билан уйғунлаштирган ҳолда қўллашга имкон яратади.

Фанни ўқитиш учун гистология, одам анатомияси, ички касалликлар фанлари назарий замин бўлиб хизмат қилади. Ички касалликлар фани кейинчалик бошқа клиник фанлар учун назарий замин бўлиб хизмат кўрсатади.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Ички касалликлар турли вариантларида, шунингдек, баъзи кенг тарқалган касалликларнинг атипик кечишида, кам учрайдиган касалликларнинг типик кечишида ташхисни асослашни, улар асоратлари ва даволаш принципларини ўргатиш кўникмасини шакллантириш.

Дастур ўзида ички касалликлар фанининг турли аспектларини ҳозирги замонда ривожланиш ҳолатини акс эттиради.

Фанни вазифаси:

-ички касалликларнинг этиология, патогенез, таснифи, клиник кўринишлари, асоратлари, кечиши, оқибати, даволаш ва профилактикаси бўйича билимларни такомиллаштириш;

-беморларни анамнез йиғиш, турли системалар бўйича, клиник текшириш бўйича амалий кўникмаларни такомиллаштириш;

-касалликларнинг асосий диагностик мезонларини аниқлай олишни ўргатиш;

- тахминий, клиник диагноزلарни асослашни ўргатиш;

-беморларни текшириш режасини тузиш, шифокор тактикаси ва даволашни ўргатиш;

-лабаратор ва инструментал текширувлар натижаларини интерпретация қилишни ўргатиш;

-қиёсий таққослаш ва якуний диагнозни асослай билишни ўргатиш
-ички касалликларнинг турлича вариантлари бўйича кечишида даволашни тавсия эта олиш ва шошилиш холатларда тезкор ёрдам беришни ўргатиш.

Фан бўйича талабаларнинг билим кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади.

Талаба:

- ички касалликларда беморларни парваришлаш;
- энг кўп тарқалган ички аъзолар касалликларининг этиологияси, патогенези, клиникаси, асоратлари, даволаш усуллари;
- текширув ва комплекс даво режасини тузиш;
- асосий тиббий хужжатларни билиш;
- ЭКГ юкламани синама билан; ЭКГ-мониторинг;
- Эхокардиография, доплерография билан;
- Рентгенография, компьютер томография, ядро-магнит резонанс томография, ангиография ва юрак катетеризацияси;
- балғамни бактериологик экиш; Плевра бўшлиғини пункцияси; Бронхография; Спирография; Брехоскопия;
- нажасни бактериологик экиш; нажасни дисбактериозга текшириш; Ошқозон шираси ва дуоденал суюқлик таркибини текшириш; Пункция (бўшлиқлар ва бўғим оралиғи);
- гепатитнинг маркерларини аниқлаш; УТТ; ЭГДФС; Колоноскопия; Биопсия;
- иммунологик текширувлар, РФ, ЦИК;
- пешоб бактериологик экмаси ва антибиотикограмма тўғрисида
- ички касалликларнинг ички аъзолар касалликларини текшириш;
- беморни профессионал сўроқ ва кўрикдан ўтказиш; ЭКГ олиш ва ўқишни билиш; пикфлоуметрия қилиш; мос пархез ва даволаш режасини буюриш; ички аъзолар касалликларига дастлабки ва клиник ташхис қўя **билиши керак**;
- тиббий хужжатлар;
- тана ҳароратини ўлчаш;
- антропометрия: беморнинг бўй узунлигини ўлчаш, беморнинг оғирлигини ўлчаш, беморнинг кўкрак қафаси айланасини аниқлаш.
- кўкрак қафаси пальпацияси;
- ўпканинг таққослама перкуссияси;
- ўпканинг топографик перкуссияси;
- ўпка аускультацияси;
- юрак соҳаси пальпацияси;
- юрак перкуссияси (нисбий бўғиқ чегаралари);
- юрак перкуссияси (мутлок бўғиқ чегаралари);
- юрак аускультацияси;
- артериал қон босимни ўлчаш;

- пульснинг текшириш;
 - ЭКГ- олиш усуллари;
 - нормал ЭКГ;
 - қорин бўшлиғининг юзаки пальпацияси;
 - қорин бўшлиғининг чуқур пальпацияси;
 - жигар пальпацияси;
 - Курлов бўйича жигар перкуссияси;
 - буйрак пальпацияси;
 - лимфатик тугунлар пальпацияси;
 - талок пальпацияси ва перкуссияси;
 - анализлар тахлили: балғам, ошқозон шираси, дуоденал йиғиндиси, сийдик, ахлат, умумий қон тахлили;
 - бўғилиш хуружида ингаляторларни қўллаш;
 - бўғилиш хуружида биринчи ёрдам кўрсатиш **қўникмаларига эга бўлиши керак.**
- ҳаёт учун хавфли бўлган ҳолатларда шошилишч терапевтик ёрдам кўрсатиш **малакаларига эга бўлиши керак.**

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

Ички касалликлар пропедевтикаси.

Ички касалликлар фани ва клиник медицина вазифалари ҳақида тушунча. Ички аъзо касалликларини оғиз бўшлиғи ҳолатларига боғлиқлиги „Соғлиқ“ ҳақида тушунча. Ички касалликлар таснифи. Деонтология ҳақида тушунча. Гиппократ қасамёди. Беморларни клиник текшириб кўриш усуллари бўйича Ибн-Сино таълимотининг ўрни. Беморнинг шикоятлари, касаллик анамнези, ҳаётий анамнез, эпидемиологик ва аллергологик анамнезини сўраб-суриштириш. Беморларни клиник ва лаборатор текшириб кўриш усуллари.

1-мавзу. Беморларни физикал текшириш усуллари

Беморнинг илмий-тиббий, юридик баённомаси схемаси: сўраб-суриштириш, асосий ва қўшимча шикоятлари, касаллик ва ҳаёт тарихи. Физикал текшириш услублари. Беморларни умумий кўриш: аҳволи, эс-ҳуши, ҳолати, тана тузилиши, конституцияси, териси ва кўзга кўринадиган шиллик пардалари, тери ости ёғ қавати, лимфа тугунлари, юз ифодаси, кўз, бурун, бўйин, қўл, оёқ, мушак, бўғим, суякни кўриш. Нафас олиш, юрак, қон-томир, хазм қилиш, жигар, ўт йўллари, меъда ости беши, талок, буйрак, пешоб ажратувчи, эндокрин, қон касалликлари билан оғриган беморларни клиник текшириш (шикоятлари, касаллик ва ҳаёт тарихини сўраб-суриштириш, умумий кўриш, пайпаслаш, туккиллашиб, эшитиб кўриш) ва лаборатор, функционал, асбоб-ускуналар ёрдамида текшириш услублари.

Нафас аъзолари касалликлари

Нафас аъзоларини текшириб кўриш усуллари. Шикоятлари, анамнез. Кўкрак қафасини кўздан кечирин: меъерий ва патологик кўкрак қафаслари.

Нафас типлари, тезлиги, чуқурлиги ва ритми. Патологик нафас турлари (Грокк, Чейн-Сток, Биот ва Кусмаул) кўкрак қафасини пайпаслаб кўриш. Кўкрак қафасини перкуссия қилиш. Ўпка аускультацияси. Асосий нафас ва патологик нафас шовқинлари. Лаборатор ва асбоб-ускуналар ёрдамида ташхислаш.

2-мавзу. Юрак, қон-томир касалликлари

Текшириш усуллари. Сўроқлаш. Юракнинг турли касалликларида оғриқли синдроми. Касаллик ва ҳаётий анамнез. Физикал текшириш усуллари, Функционал текширув усуллари. Юрак аускультацияси. Аускультация тартиби. Юрак тонларининг ҳосил бўлиш механизми. Меърий юрак тонларини тавсифлаш. Юрак шовқинлари. Юрак шовқинларини тавсифлаш. Функционал ва органик шовқинлар. Қон-томирларни физикал ва асбоб-ускуналар ёрдамида текшириш. Юракни асбоб-ускуналар ёрдамида текшириб кўриш. ЭКГ, ЭКГ – таҳлил қилиш ҳақида тушунча, ФКГ, ЭхоКГ. Юракни рентгенологи текшириш.

3-мавзу. Ҳазм системаси касалликлари

Физикал, лаборатор ва асбоб-ускуналар ёрдамида ҳазм ва гепатобилиар системасини текшириб кўриш. Гастритлар. Ўткир ва сурункали гастритлар. Ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги. Этиологияси, патогенези, патологик анатомияси, клиникаси, оқими, таснифи, ташхислар, дифференциал ташхис, даволаш. Гепатитлар ва жигар циррозлари. Сурункали холециститлар. Сурункали панкреатит. Этиологияси, патогенези, таснифи, клиникаси, ташхислаш, дифференциал ташхис. Даволаш. Профилактикаси.

Ички касалликлар

1-мавзу. Бронхитлар. Пневмониялар

Бронхитлар. Ўткир ва сурункали бронхитлар. Этиологияси, патогенези, патологик анатомияси, клиникаси. Лаборатор ва асбоб-ускуналар ёрдамида ташхислаш. Дифференциал ташхис. Кечиши, маълумоти, оқибати, даволаш. Пневмониялар: ўчоқли ва крупоз. Этиологияси, патогенези, патологик анатомияси: клиникаси, лаборатор ва асбоб ускуналар ёрдамида ташхислаш. Дифференциал ташхис. Маълумоти, асоратлари, даволаш.

2-мавзу. Ўткир ревматик иситма. Юракнинг сурункали ревматик касаллиги.

Ўткир ревматик иситма. Этиологияси, патогенези, патологик анатомияси, клиникаси. Лаборатор ва асбоб-ускуналар ёрдамида ташхислаш, дифференциал ташхис, даволаш. Юракнинг сурункали ревматик касаллиги.

Ортирилган юрак нуқсонлари. Юрак митрал ва аортал нуқсонлари. Юрак туғма нуқсонлари. Этиологияси, патогенези, патологик анатомияси, клиникаси. Лаборатор ва асбоб-ускуналар ёрдамида ташхислаш, кечиши, клиникаси, оқибати, даволаш.

3-мавзу. ЮИК: Стенокардия, Миокард инфаркти.

Гипертония касаллиги.

Стенокардия, Миокард инфаркти. Этиологияси, патогенези, таснифи, клиникаси, лаборатор, асбоб-ускуналар ёрдамида текшириш. Дифференциал ташхис. Гипертония касаллиги. Этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхислаш, дифференциал ташхис, даволаш. Гипертоник кризларнинг асоратлари. Тарифи, таснифи, гипертоник кризларда шошилиш ёрдам.

4-мавзу. Жигар циррозлари.

Жигар циррозлари. Этиологияси, патогенези, таснифи, клиникаси, ташхислаш, дифференциал ташхис. Даволаш. Профилактикаси.

5-мавзу. Пиелонефритлар ва гломерулонефритлар.

Ўткир ва сурункали пиелонефритлар ва гломерулонефритлар. Этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхислаш, дифференциал ташхис, даволаш.

6-мавзу. Бириктирувчи тўқиманинг диффуз касалликлари.ТҚБ. РА.

Бириктирувчи тўқиманинг диффуз касалликлари (БТДК): тизимли қизил бўрича, ревматоид артрит. Этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхислаш, ташхис мезонлари, дифференциал ташхис, даволаш.

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар 50% назарий (маъруза ва амалий машғулот) ва 50% амалий қисм (ўқув клиник амалиёт)дан иборат бўлган ҳолда ўтказилади. Амалий машғулотнинг назарий ва амалий қисми ўзаро боғлиқ ҳолда ўтказилади.

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

Беморларни парваришлаш. Ички касалликлар пропедевтикаси.

1. Беморларни парваришлаш. Қабулхона. Қабулхона фаолияти билан танишиш. Бўлимда тозаланиш сақлаш қоидалари. Тиббий хужжатларни расмийлаштириш.
2. Ички касалликлар пропедевтикаси: беморларни физикавий текшириш усуллари.
3. Нафас аъзоларини текшириб кўриш усуллари. Шикоятлари, анамнез. Кўкрак қафасини кўздан кечириш: меъерий ва патологик кўкрак қафаслари. Нафас типлари, тезлиги, чуқурлиги ва ритми. Патологик нафас турлари (Грокк, Чейн-Сток, Биот ва Куссмаул) кўкрак қафасини пайпаслаб кўриш. Кўкрак қафасини перкуссия қилиш. Ўпка аускультацияси. Асосий нафас ва патологик нафас шовқинлари. Лаборатор ва асбоб-ускуналар ёрдамида ташхислаш.
4. Юрак, қон-томир касалликлари. Текшириш усуллари. Сўроқлаш. Юракнинг турли касалликларида оғриқли синдроми. Касаллик ва ҳаётини анамнез. Физикал текшириш усуллари, Функционал текширув

усуллари. Юрак аускультацияси. Аускультация тартиби. Юрак тонларининг ҳосил бўлиш механизми. Меъёрий юрак тонларини тавсифлаш. Юрак шовқинлари. Юракни асбоб-ускуналар ёрдамида текшириб кўриш. ЭКГ, ЭКГ – таҳлил қилиш ҳақида тушунча, ФКГ, ЭхоКГ.

5. Ҳазм системаси касалликлари. Физикал, лаборатор ва асбоб-ускуналар ёрдамида ҳазм ва гепатобилиар системасини текшириб кўриш.
6. Сийдик ажратиш системаси касалликларини физикал, лаборатор ва асбоб-ускуналар ёрдамида текшириб кўриш.
7. Қон касалликларибилан оғриган беморларни шикоят, касаллик ва ҳаёт тарихини сўраб суриштириш. Умумий кўрик, суяк ва лимфа тугунларини пайпаслаш, тукуллатиш. Лаборатор ва асбоб-ускуналар ёрдамида текшириб кўриш.
8. Ички секреция безлар системаси. Таснифи. Қалқонсимон без касалликлари. Қалқонсимон без касалликларини текшириб кўриш. Лаборатор ва асбоб-ускуналар ёрдамида текшириб кўриш. Радиоизотоп усулда текшириш.

Ички касалликлар

1. Бронхитлар: ўткир ва сурункали (этиология, патогенез, клиника, текширув услублари, кечиши, даволаш).
2. Крупоз ва ўчоқли зотилжам (этиология, патогенез, клиника, текширув услублари, кечиши, даволаш).
3. Ўткир ревматик иситма (этиология, патогенез, клиника, текширув услублари, кечиши, даволаш).
4. Митрал қопқоғи етишмовчилиги ва митрал стеноз(этиология, патогенез, клиника, текширув услублари, кечиши, даволаш).
5. Аорта қопқоғи етишмовчилиги, аорта оғзи стенози (этиология, патогенез, клиника, текширув услублари, кечиши, даволаш).
6. ЮИК ташхиси. Стенокардия (этиология, патогенез, клиника, текширув услублари, кечиши, даволаш).
7. Миокард инфаркти (этиология, патогенез, клиника, текширув услублари, кечиши, даволаш).
8. Сурункали гепатитлар. Жигар циррози (этиология, патогенез, клиника, текширув услублари, кечиши, даволаш).
9. Гломерулонефритлар, пиелонефритлар ташхиси (этиология, патогенез, клиника, текширув услублари, кечиши, даволаш).
10. Ревматоид артрит. Тизимли қизил бўрича. (этиология, патогенез, клиника, текширув услублари, кечиши, даволаш).

Амалий машғулот давомида аниқ бир мавзуларни назарий жиҳатдан чуқур ўрганиш, услубий жиҳатдан долзарб бўлган мавзуларни чуқур таҳлил қилиш, алоҳида муоммолар бўйича илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш мақсадида савол-жавоб, суҳбат, доклад ва рефератларни муҳокама қилиш, ёзма назорат ишларини олиш, вазиятли масалаларни муҳокама қилиш ва тест саволларига жавоб бериш орқали эгалланилади. Шу билан бирга

машғулот давомида интерфаол усуллардан ва компьютер, инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда назарий билимларни мустаҳкамлаш лозим.

- Амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- Амалий машғулотларни мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- Ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- Талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- Талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш.

Ички касалликлар фани бўйича амалий машғулотда талабалар амалий кўникмаларни ўзлаштиришлари кўзда тутилган.

Амалий кўникмалар рўйхати:

1. Тиббий хужжатлар;
2. Тана ҳароратини ўлчаш;
3. Антропометрия: беморнинг бўй узунлигини ўлчаш, беморнинг оғирлигини ўлчаш, беморнинг кўкрак қафаси айланасини аниқлаш.
4. Кўкрак қафаси пальпацияси;
5. Ўпканинг таққослама перкуссияси;
6. Ўпканинг топографик перкуссияси;
7. Ўпка аускультацияси;
8. Юрак соҳаси пальпацияси;
9. Юрак перкуссияси (нисбий бўғиқ чегаралари);
10. Юрак перкуссияси (мутлок бўғиқ чегаралари);
11. Юрак аускультацияси;
12. Артериал қон босимни ўлчаш;
13. Пульсинг текшириш;
14. ЭКГ- олиш усуллари;
15. Нормал ЭКГ;
16. Қорин бўшлиғининг юзаки пальпацияси;
17. Қорин бўшлиғининг чуқур пальпацияси;
18. Жигар пальпацияси;
19. Курлов бўйича жигар перкуссияси;
20. Буйрак пальпацияси;
21. Лимфатик тугунлар пальпацияси;
22. Талок пальпацияси ва перкуссияси;
23. Анализлар тахлили: балғам, ошқозон шираси, дуоденал йиғиндиси, сийдик, ахлат, умумий қон тахлили;
24. Бўғилиш ҳуружида ингаляторларни қўллаш;
25. Бўғилиш ҳуружида биринчи ёрдам кўрсатиш.

Ўқув клиник амалиётни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Талабаларнинг “Ички касалликлар” фани бўйича клиник амалиёти таълим жараёнининг 50%ини ташкил қилади ва амалий машғулотлар “1-сон факултет ва госпитал терапия” кафедраси, ревматология, кардиоревматология, терапия ва шошилич тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси бўлимларида ўтказилади.

Амалий машғулотда амалий кўникмаларга ўргатиш жараёни батафсил режалаштирилади ва бир неча босқични ўз ичига олади:

1. Биринчи босқич – машғулотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўрганилаётган амалий кўникмани ўрганиш мотивацион асоси аниқланади, унинг назарий жиҳатлари муҳокама қилинади. Амалий кўникмаларни амалга ошириш учун керакли асбоб-анжомлар ишлаш механизми, ишлатиш қоидалари билан талабалар таништирилади.

Биринчи босқични амалга ошириш учун кафедрада барча асбоб анжомлар мавжуд ва ишчи ҳолатда бўлиши лозим.

2. Иккинчи босқич – амалий кўникмани намоиш қилиб бериш ва кўп марта машқ қилиш. Бу босқични амалга ошириш учун амалий кўникмаларни кадамга кадам алгоритми педагог томонидан ва видеофильмлар орқали намоиш этилади, алгоритм асосида босқичма босқич тўғри бажаришга алоҳида эътибор қаратилади. Талаба амалий кўникмани мустақил, бироқ педагог назорати остида муляжлар, тренажёрлар, фантомлар ва манекенларда, кўп марта машқ қилиб ўрганадилар. Бошида барча босқичларини алоҳида, кейинчалик умумлаштирган ҳолда тўлиқ ва тўғри бажара олгандан сўнг беморда қўллашга руҳсат берилади (имитацион тренинг).

Иккинчи босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган амалий кўникмалар кадамга кадам алгоритми ва видеофильми, ўқув-услубий қўлланмаси, бажариш схемаси ёки техникаси ва ҳ.к., баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Муляжлар, тренажёрлар, фантомлар ва манекенлар, имитаторлар, асбоб анжомлар бўлиши лозим ва керакли шарт шароитлар (максимал даражада иш шароитига яқин моделлаштирилган) яратилиши лозим. Бу босқичда педагог назорат қилади ва керак бўлганда талабалар ишидаги хатоликларни тўғирлайди. Бу жараёнда талаба ҳаракатлари видеотасвирга олиниб ўзига намоиш этилиши, танқидий муҳокама қилиниши мумкин. Талаба, унинг хатоси нимада эканлигини, ўқитувчига ва бошқа талабаларга тушунтириб беради ва сўнгра муолажани такрорлайди. Интерфаоллик шунда намоён бўладики, бунда бошқа талабалар эксперт сифатида чиқишда ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирилганини баҳолашда иштирок этадилар. Амалий кўникма афтоматизм даражасигача етказилиши мақсадга мувофиқ.

3. Учинчи босқич - ўрганилган билим ва амалий кўникмани беморда қўллаш. Бу босқичда талаба ўзлаштирилган билим ва амалий кўникмани турли хил клиник ҳолатларда (шу жумладан шошилич ҳолатларда)

кўллашга, олинган натижаларни таҳлил қилишга ва шу маълумотлар асосида ҳаракат тактикасини белгилашга педагог назоратида ўргатилади.

Учинчи босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган ўқув, услубий қўлланмалар, фотосуратлар, вазиятли масалалар ва тестлар тўплами, кейслар, клиник протоколлар, диагностика ва даволаш стандартлари, ўргатувчи касаллик тарихлари ва амбулатор карталар ва х.к. ишлатилиши лозим. Интерфаоллик шунда намоён бўладики, бунда бошқа талабалар нафақат эксперт сифатида чиқишда ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирганлигини баҳолашда балки командада ишлашда иштирок этадилар.

4. Тўртинчи босқич – ҳулоса. Бу босқичда педагог талаба томонидан олинган билим ва эгаллаган кўникмани беморларда, турли хил вазиятларда, фаолият жараёнида тўғри ва тўлиқ қўллай олишига ишонч ҳосил қилиши керак ва шунда амалий кўникма ўзлаштирилди деб ҳисобланади.

Тўртинчи босқични амалга ошириш учун талаба бемор билан мустақил ишлаши педагог томонидан назорат қилинади, тиббий ҳужжатларни, касаллик тарихини ёзиб ҳимоя қилганда баҳоланади.

Машғулот сўнггида ўқитувчи ҳар бир талабанинг амалий кўникмани ўзлаштирганлигини тасдиқлайди. Талаба амалий кўникмани ўзлаштира олмаган вазиятларда, машғулотдан ташқари вақтда мустақил ўзлаштириш тавсия этилади ва педагогга қайта топширади. Талаба барча амалий кўникмаларни ўзлаштирган ҳолда фанни ўзлаштирган ҳисобланади.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Ўпканинг сурункали обструктив касалликлари.
2. Пневмосклероз.
3. Ўпка эмфиземаси диагностикаси (этиология, патогенез, клиника, текширув услублари, кечиши, даволаш).
4. Нафас олиш аъзолари касалликларини замонавий лаборатор-инструментал текширув услублари.
5. Бронхиал астма касаллигида асматик ҳолатида биринчи ёрдам кўрсатиш чоралари. Замонавий текширув услублари.
6. Юрак қон-томир тизими касалликларини замонавий текширув услублари.
7. Юрак аритмияларида кечиктириб бўлмайдиган ёрдам чоралари.
8. Симптоматик артериал гипертензиялар.
9. Миокард инфарктида кечиктириб бўлмайдиган ёрдам чоралари.
10. Уч табақали копкок етишмовчилиги.
11. Юракни комбинирланган иллатлари.
12. Ўткир чап қоринча етишмовчилигида кечиктириб бўлмайдиган ёрдам чоралари.

13. Ўпка шишида кечиктириб бўлмайдиган ёрдам чоралари.
14. Юрак туғма нуқсонлари. Лаборатор ва асбоб-ускуналар ёрдамида ташхислаш, оқибати, даволаш.
15. Ошқозон ости беши касалликлари диагностикаси. Замонавий текширув услублари.
16. Жигар санчиги, кечиктириб бўлмайдиган ёрдам чоралари.
17. Нефротик синдром. Замонавий текширув услублари.
18. Семизлик, этиопатогенез, кечиши.
19. Гипо ва гипергликемик кома.
20. Гиповитаминоз.

Фан бўйича мустақил иш аудитория ва аудиториядан ташқари ўтказилади.

Талаба мустақил ишини ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- Беморлар курациясида даволовчи ёки навбатчи шифокор билан назорат қилишда иштирок этиш;
- Аҳоли орасида санитар оқартув ишларни суҳбат ва маърузаларни ўтказиш;
- Айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- Берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш;
- Фаннинг бўлимлари ёки мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш ва маърузалар қилиш;
- Вазиятли ва клиник муаммоларга йўналтирилган вазиятли масалалар ечиш;
- Кейс (реал клиник вазиятлар ва клиник вазиятли масалалар асосида case-study) ечиш;
- График органайзерларни ишлаб чиқиш ва тўлдириш;
- Презентация ва видеороликлар тайёрлаш ҳамда мустақил иш жараёнида кенг қўллаш ва ҳ.к.

Фан бўйича курс иши (лойиҳаси)

Фан бўйича курс иши ўқув режасида кўзда тутилмаган.

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

Асосий адабиётлар

1. Гадаев А.Г. Ички касалликлар. Дарслик. Тошкент. Турон Замин Зиё нашриёти. 2018 й.
2. Мухин Н.А., Моисеев В.И. Пропедевтика внутренних болезней. Учебное пособие. Москва. ГЭОТАР Медиа. 2012 г.
3. Гадаев А. Г., Каримов М.Ш. Ички касалликлар пропедевтикаси. Дарслик. Тошкент. Мухаррир нашриёти. 2012 й.

Қўшимча адабиётлар

1. Гребенев А.Л. Пропедевтика внутренних болезней. Учебное пособие.

- Москва. Медицина. 2011 г.
2. Рябов С.И. Внутренние болезни В 2-х т. Санкт-Петербург.: СпецЛит. 2015г.
 3. Мурашко В.В. Общий уход за больными. Учебное пособие. Москва. Медицина. 1988 г.
 4. Гребенев А.Л., Щептулин А.А. Основы общего ухода за больными. Москва. Медицина. 1991 г.
 5. Бобожонов С.Н. Ички касалликлар. Дарслик. Тошкент. 2008; 2010 й.
 6. Гордиенко А.В. Госпитальная терапия. Учебник. Санкт-Петербург.: СпецЛит. 2016 г.
 7. Окорочков. А.Н., Диагностика и лечение болезней внутренних органов. Учебное пособие. Москва. 2009 г.
 8. Струтынский А.В., Баранов А.П., Ройтберг Г.Е., Гапоненков Ю.П. Основы Семиотики внутренних органов. Учебное пособие. Москва. МЕДпресс-информ. 2013 г.
 9. Скотт Стерн, Адам Сайфу, Дайн Олткорн. От симптома к диагнозу. Руководство для врачей (Перевод с английского). Москва. Геотар Медиа. 2008г.
 10. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажгимизнинг мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O’zbekiston” нашриёт матбаа ижодий уйи. 2017 й.
 11. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O’zbekiston” нашриёт матбаа ижодий уйи. 2017 й.
 12. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамыз. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг “O’zbekiston” нашриёт матбаа ижодий уйи. 2016 й.

Интернет сайтлар:

1. www.medlibrary.ru
2. www.medline.ru
3. www.medbook.ru
4. www.tma.uz
5. www.ziyonet.uz
6. www.minzdrav.uz
7. www.tma.uz

ФТИЗИАТРИЯ

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ушбу фан дастури Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандарти ва тиббий-биологик иши таълим йўналиши малака талабларига асосланган ҳолда тузилган. Ушбу дастур асосида замонавий педагогик технологияларни ўқитиш жараёнига тадбиқ этиб, талабани назарий маълумотидан бошланғич амалий кўникмаларни фантомларда бажаришга ўргатиб ва орттирилган кўникмаларни замонавий тиббий технологиялар орқали клиник амалиёт билан уйғунлаштирган ҳолда мустақил равишда асбоб-ускуналар ёрдамида туберкулез ташхисини қўйиш учун текшириш усулларида фойдаланишга замин яратиб беради. Ушбу дастурда “Фтизиатрия” фанининг мазмуни, предмети ва методи ҳамда моҳияти акс эттирилган. Фтизиатрия фани бўйича дастур назарий билимлар ва амалий кўникмалар асосида талабаларга врач-лаборант мутахассислигини яхши ўзлаштириш учун муҳим бўлган мустақил ўқув таркиби ва талабаларнинг фундаментал тиббиёт мутахассисларини тайёрлаш бўйича жараён мобайнида мустақил иши, шунингдек фтизиатрия ўқув жараёнини ахборот-услубий таъминловларидан иборат.

Ушбу дастур фундаментал тиббиёт мутахассисларини тайёрлаш дастури асосида тузилган, тиббиёт олий ўқув юртлирининг тиббий биология факультети талабаларига фтизиатрия фанидан таълим бериш учун мўлжалланган.

Мазкур фан ўқув режадаги тиббий биология ва генетика, биофизика, тиббий ва биологик кимё, одам анатомияси, физиология, гистология ва иммунология, микробиология ва паразитология, ички касалликлар, аллергология, клиник иммунология, юқумли касалликлари, клиник фармакология, жаррохлик касалликлари ва шошилиш тез тиббий ёрдам, нейрохирургия фанларидан ўзлаштирилган билимларга асосланади.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фтизиатрия фанини ўқитишдан **мақсад** – юқори малакали мутахассислар – фундаментал тиббиёт мутахассисларини (врач-лаборант)ни тайёрлаш ҳисобланиб, фтизиатрия фани учун керакли хажмдаги билим, маҳорат ва амалий кўникмаларга эга бўлиши керак: туберкулезни ташхислаш ва қиёсий ташхислаш, эрта аниқлашнинг замонавий лаборатор текшириш усуллари (микроскопик, бактериологик, генетик), профилактикаси, ҳисоб-китоб ҳужжатларини юритиш, туберкулез бўйича асосий эпидемиологик кўрсаткичларни билиш.

Фанни вазифаси:

- туберкулез касаллигини этиология, эпидемиология, патогенези, клиник таснифи, кечиши бўйича билимларини шакллантириш;
- туберкулезни ташхислаш ва қиёсий ташхислаш, эрта аниқлашнинг замонавий лаборатор текшириш усулларида билимларни шакллантириш;

- туберкулез касаллигига қарши курашишнинг турли ёшдаги аҳоли орасида ҳар йили диспансеризацияни ташкил этишда билимларни шакллантириш;
- туберкулезни махсус ва санитар профилактика усуллари ўргатиш ва туберкулез инфекцияси манбаасида соғломлаштириш ишларини ташкиллаштириш;
- туберкулез бўйича асосий эпидемиологик кўрсаткичларни ҳисобга олиш, касалликни барвақт аниқлаш ва профилактик чора-тадбирларни режалаштириш, туберкулез клиникаларида инфекция нозорат, улар ижросини нозорат этиш ҳамда санитар-ветеринария нозоратини ташкил этиш;
- аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилишга ўргатиш;
- Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти тавсиясига асосан инструктор хужжатларига мувофиқ туберкулезни олдини олишда, эпидемияга қарши чора-тадбирларни ўтказишда билимларни шакллантириш.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйдаги талаблар қўйилади.

Талаба:

- туберкулёз бўйича эпидемиологик вазиятни, ўпка ва ўпкадан ташқари жойлашган туберкулёзнинг этиологияси, патогенези, клиник шакллари, MDR-ТБ, ОИВ-ТБ муаммоларини;
- ўпка ва ўпкадан ташқари жойлашган туберкулёзнинг асосий синдромлари асосида тактика, ташҳислаш, қиёсий ташҳислаш, туберкулёз эрта аниқлаш принциплари, олдини олиш усуллари, БЖССТ кўрсатмаларига кўра инфекцияни нозорат қилишни;
- туберкулёзга шубҳа бўлганда беморни текшириш режасини туза олиши, туберкулёзга клиник скрининг ўтказишни, ўпка ва ўпкадан ташқари туберкулёзнинг оқибатларини аниқлашни;
- туберкулёз инфекцияси ўчоғини текшириш, эпидемияга қарши режалар тузиш ва аҳолининг ахборот билан таъминлаш ҳамда бу инфекцияга бўлган муносабатини ўзгартариш *ҳақида тасавурга эга бўлиши*;
- беморлар сўраб-суриштиришни, кўрикни, клиник ва биокимёвий лаборатория натижаларини солиштиришни, МБТга бактериологик текширувни *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- Циль-Нильсен усулида МБТни бактериоскопик аниқлаш;
- 2 ТБ билан Манту синамасини ўтказиш;
- туберкулёз профилактикаси усуллари (махсус, химиопрофилактика, санитар профилактика, ижтимоий), жумладан БЦЖ вакцинацияси ва ревакцинацияси *амалий кўникмаларига (шу жумладан клиник амалий кўникмаларига) эга бўлиши керак*.

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти)

1-мавзу. Туберкулез ҳақида таълимотнинг ривожланиш тарихи.

Туберкулез этиологияси, эпидемиологияси, патогенези ва иммунитетини. Туберкулёзни ўрганишда асосий ривожланиш босқичлари. Туберкулезни ўрганишни ривожланишида олимларнинг ўрни.

Туберкулёз кўзгатувчиси: микобактерия турлари. Туберкулёз микобактериясининг дориларга турғун шакллари, L – шакллари, филтрланувчи шакллари, “атипик” шакллари. Микобактериянинг дориларга турғун, мультирезистент турларини эпидемиологик ва клиник аҳамияти. Турли мамлакатларда, Марказий Осиё Давлатлари ва Ўзбекистонда туберкулёз бўйича эпидемиологик ҳолат. Асосий эпидемиологик кўрсаткичлар. Туберкулёзга қарши курашишнинг ЖССТ тавсиясига асосан замонавий усуллари. Туберкулёз инфекцияси ўчоқлари ва юқиш йўллари. Ҳайвонлар орасида туберкулезнинг тарқалиши ва унинг инсонлар орасидаги туберкулёз бўйича эпидемиологик кўрсаткичига таъсири.

2-мавзу. Туберкулёзни ташхислашнинг умумий тамойиллари ва усуллари

Туберкулёз билан хасталанган беморни текшириш – мулоқотнинг аҳамияти, беморнинг яшаш ва меҳнат шароити. Касаллик симптомлари, беморнинг шикоятлари. Нафас аъзолари туберкулёзи билан хасталанган беморларни кўздан кечириш, перкуссия ва аускультацияни аҳамияти. Патологик материалда ТМБни аниқлашда бактериоскопик (Циль-Нильсен), бактериологик (Bactec MGIT-960) ва генетик (GenXpert, Hain-test) усуллар. Рентгенологик текшириш усуллари.

Туберкулин турлари, туберкулин синамаларини ўтказишда турли усуллар. 2ТБ билан ўтказиладиган Манту туберкулин синамаси. Бажариш техникаси, натижалар интерпретацияси ва аҳоли орасида туберкулёздан заҳарланишни ўрганиш. Туберкулёзда нафас олиш ва қон айланиши функцияларини ўрганиш. Ўпканинг нафас функцияси ва туберкулёз беморларида уни ўрганиш усуллари (ЎТС, НМХ, ЎМВ, нафас паузаси ва бошқалар). Ўпка туберкулёзида юрак-қон томир тизими функциясини текшириш усуллари (ЭКГ, БКГ, ВКГ) ва уларни клиник баҳолаш.

3-мавзу. Ўзбекистонда туберкулезга қарши курашишни ташкил этиш. Туберкулез профилактикаси.

Аҳоли гуруҳларини мажбурий ва систематик флюорографик текширишдан ўтиши (мажбурий контингент, хавfli контингент). Аҳоли орасида туберкулёзни эрта ва ўз вақтида аниқлаш чора-тадбирларини режалаштириш ва ташкиллаштириш. Туберкулёз бўйича эпидемиологик ҳолат ва динамик тахлили. Туберкулёз профилактикаси. Махсус профилактика. БЦЖ вакцинацияси ва ревакцинацияси. Кимёпрофилактикага кўрсатмалар ва усуллари. Махсус кимёпрофилактикага муҳтож турли ёшдаги гуруҳлар контингентига кимёпрофилактикани ташкиллаштириш.

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Фан бўйича машғулотлар 50% назарий (маъруза ва амалий машғулот) ва 50% амалий қисм (ўқув клиник амалиёт)дан иборат бўлган ҳолда ўтказилади.

Амалий машғулотнинг назарий ва амалий қисми ўзаро боғлиқ ҳолда ўтказилади.

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Туберкулез клиникасида инфекцион назорат. Туберкулёзнинг патологик анатомияси. Туберкулёз иммунологияси
2. Туберкулёзни ташхислашнинг умумий тамойиллари ва усуллари.
3. Туберкулёзнинг клиник таснифи. Бирламчи туберкулёзнинг клиник шакллари. Ўпканинг тарқоқ туберкулези.
4. Иккиламчи туберкулёзнинг клиник шакллари. Ўпканинг ўчоқли, яллиғланган туберкулёзи ва ўпка туберкуломаси. Ўпка туберкулёзнинг деструктив шакллари.
5. Туберкулёз профилактикаси усуллари. Туберкулез инфекцияси ўчоғидаги эпидемияга қарши чора-тадбирлар режаси.

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилади.

Амалий машғулот давомида аниқ бир мавзуларни назарий жиҳатдан чуқур ўрганиш, услубий жиҳатдан долзарб бўлган мавзуларни чуқур таҳлил қилиш, алоҳида муоммолар бўйича илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш мақсадида савол-жавоб, суҳбат, доклад ва рефератларни муҳокама қилиш, ёзма назорат ишларини олиш, вазиятли масалаларни муҳокама қилиш ва тест саволларига жавоб бериш орқали эгалланилади. Шу билан бирга машғулот давомида интерфаол усуллардан ва компьютер, инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда назарий билимларни мустаҳкамлаш лозим.

Амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- Амалий машғулотларни мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- Ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- Талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- Талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш.

“Фтизиатрия” фани бўйича клиник амалиётни ўтиш даврида талабалар амалий кўникмаларни ўзлаштиришлари кўзда тутилган.

Амалий кўникмалар рўйхати:

1. Циль-Нильсен усулида МБТни бактериоскопик аниқлаш;
2. 2 ТБ билан Манту синамасини ўтказиш;
3. БЦЖ вакцинацияси ва ревакцинацияси.

Ўқув клиник амалиётни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Талабаларнинг “Фтизиатрия” фани бўйича клиник амалиёти таълим жараёнининг 50%ини ташкил қилади ва амалий машғулотлар туберкулезга қарши шифохона ва диспансерларнинг клиник, бактериологик ва референс лабораторияларида ўтказилади.

Амалий машғулотда амалий кўникмаларга ўргатиш жараёни батафсил режалаштирилади ва бир неча босқични ўз ичига олади:

1. Биринчи босқич – машғулотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўрганилаётган амалий кўникмани ўрганиш мотивацион асоси аниқланади, унинг назарий жиҳатлари муҳокама қилинади. Амалий кўникмаларни амалга ошириш учун керакли асбоб-анжомлар ишлаш механизми, ишлатиш қоидалари билан талабалар таништирилади.

Биринчи босқични амалга ошириш учун кафедрада барча асбоб-анжомлар мавжуд ва ишчи ҳолатда бўлиши лозим.

2. Иккинчи босқич – амалий кўникмани намойиш қилиб бериш ва кўп марта машқ қилиш. Бу босқични амалга ошириш учун амалий кўникмаларни кадамма-кадам алгоритми педагог томонидан ва видеофильмлар орқали намойиш этилади, алгоритм асосида босқичма-босқич тўғри бажаришга алоҳида эътибор қаратилади. Талаба амалий кўникмани мустақил, бироқ педагог назорати остида муляжлар, тренажёрлар, фантомлар ва манекенларда, талабалар ўзаро бир-бирида кўп марта машқ қилиб ўрганадилар. Аввал кўникманинг барча босқичларини алоҳида, кейин умумлаштирган ҳолда тўлиқ ва тўғри бажара олгандан сўнг беморда қўллашга руҳсат берилади (имитацион тренинг).

Иккинчи босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган амалий кўникмалар кадамма-кадам алгоритми, видеофильми, ўқув-услубий қўлланмаси, бажариш техникаси, баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Муляжлар, тренажёрлар, фантомлар ва манекенлар, имитаторлар, асбоб-анжомлар бўлиши лозим ва керакли шароитлар (максимал даражада иш шароитига яқин моделлаштирилган) яратилиши лозим. Бу босқични педагог назорат қилади ва керак бўлганда талабаларнинг хатоларни тўғирлайди. Бу жараёнда талаба ҳаракатлари видеотасвирга олиниб ўзига намойиш этилиши, танқидий муҳокама қилиниши мумкин. Талаба, унинг хатоси нимада эканлигини ўқитувчи ва бошқа талабаларга тушунтириб беради, сўнгра муолажани такрорлайди. Интерфаоллик шунда намоён бўладики, бунда бошқа талабалар эксперт сифатида ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирганлигини баҳолашда иштирок этадилар. Амалий кўникма автоматизм дарсигача етказилиши мақсадга мувофиқ.

3. Учинчи босқич - ўрганилган билим ва амалий кўникмани беморда қўллаш. Бу босқичда талаба ўзлаштирилган билим ва амалий кўникмани турли хил клиник ҳолатларда (шу жумладан шошилинич ҳолатларда) қўллашга, олинган натижаларни таҳлил қилишга ва шу маълумотлар асосида ҳаракат тактикасини белгилашга педагог назоратида ўргатилади.

Учинчи босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган ўқув, услубий қўлланмалар, фотосуратлар, вазиятли масалалар ва тестлар тўплами, кейслар, клиник протоколлар, диагностика ва даволаш стандартлари, касаллик тарихи ва амбулатор карталар ва х.қ. ишлатилиши лозим. Интерфаоллик шунда намоён бўладики, бунда бошқа талабалар нафақат эксперт сифатида ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани

тўғри ўзлаштирганлигини баҳолашда, балки жамоа бўлиб ишлашда иштирок этадилар.

4. Тўртинчи босқич – ҳулоса. Бу босқичда педагог талаба томонидан олинган билим ва эгаллаган кўникмани беморларда, турли хил вазиятларда, фаолият жараёнида тўғри ва тўлиқ қўллай олишига ишонч ҳосил қилиши керак, шунда амалий кўникма ўзлаштирилган деб ҳисобланади.

Тўртинчи босқични амалга ошириш учун талаба бемор билан мустақил ишлаши педагог томонидан назорат қилинади, тиббий ҳужжатлар ва таҳлил натижаларини шарҳлаб ёзиб ҳимоя қилганда баҳоланади.

Машғулот сўнгида ўқитувчи ҳар бир талабанинг амалий кўникмани ўзлаштирилганлигини тасдиқлайди. Талаба амалий кўникмани ўзлаштира олмаган вазиятларда, машғулотдан ташқари вақтда мустақил ўзлаштириш тавсия этилади ва педагогга қайта топширади. Талаба барча амалий кўникмаларни ўзлаштирилган ҳолда фанни ўзлаштирилган ҳисобланади.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Текшириладиган туберкулёз бемори ўчоғига бориш ва тиббий ҳужжатларни тўлдириш.
2. Туберкулёзни ташхислаш усуллари - лаборатор, туберкулин ва рентгендиагностика.
3. Вакцинация ва ревакцинация (кўрсатмалар, қарши кўрсатмалар, поствакцинал аллергиянинг қиёсий ташхислаш.
4. Туберкулёз интоксикациясининг қиёсий ташхислаш.
5. Ўпканинг тарқоқ туберкулёзи – қиёсий ташхислаш, график тасвирлаш, тестлар ва кластерлар ечиш.
6. Ўпканинг ўчоқли, яллиғланган туберкулёзи, ўпка туберкулемаси – қиёсий ташхислаш, график тасвирлаш, тестлар ва кластерлар ечиш.
7. Ўпка туберкулёзининг деструктив шакллари – қиёсий ташхислаш, график тасвирлаш, тестлар ва кластерлар ечиш.
8. Туберкулёз беморларини кузатиш ва даволаш усуллари.
9. Ўзбекистонда туберкулёз бўйича эпидемиологик вазиятни баҳолаш.
10. Туберкулёзга қарши муассасаларда инфекция назоратни олиб бориш.

Фан бўйича мустақил иш аудитория ва аудиториядан ташқари ўтказилади.

Талаба “Фтизиатрия” фанидан мустақил таълимни ташкил этишда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади ва жорий назорат сифатида баҳоланади:

- мавзулар бўйича конспект (реферат, тақдимот) тайёрлаш. Назарий материални пухта ўзлаштиришга ёрдам берувчи бундай усул ўқув

материалига диққатни кўпроқ жалб этишга ёрдам беради. Талаба конспекти турли назорат ишларига тайёргарлик ишларини осонлаштиради, вақтни тежайди;

- ўқитиш ва назорат қилишнинг турли шакллари билан ишлаш. Талабалар маъруза ва амалий машғулотлар давомида олган билимларини ўзлаштиришлари, турли назорат ишларига тайёргарлик кўришлари учун тавсия этилган электрон манбалар, инновацион дарс лойиҳаси намуналари, ўз-ўзини назорат учун тест топшириқлари в.б;
- фан бўйича қўшимча адабиётлар билан ишлаш. Мустақил ўрганиш учун берилган мавзулар бўйича талабалар тавсия этилган асосий адабиётлардан ташқари қўшимча ўқув, илмий адабиётлардан фойдаланадилар. Бунда рус ва хорижий тиллардаги адабиётлардан фойдаланиш рағбатлантирилади;
- ИНТЕРНЕТ тармоғидан фойдаланиш. Фан мавзуларини ўзлаштириш, курс ишини ёзишда мавзу бўйича ИНТЕРНЕТ манбаларини топиш, улар билан ишлаш назорат турларининг барчасида қўшимча рейтинг баллари билан рағбатлантирилади;
- мавзуга оид масалалар, кейс-стадилар ва ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва иштирок этиш;
- амалиёт турларига асосан материал йиғиш, амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш, ҳисоботлар тайёрлаш;
- илмий семинар ва анжуманларга тезис ва мақолалар тайёрлаш ва иштирок этиш;
- масофавий (дистанцион) таълим асосида машғулотларни ташкил этиш бўйича методик кўрсатмалар тайёрлаш ва ҳ.к.
- Уйга берилган вазифаларни бажариш, янги билимларни мустақил ўрганиш, керакли маълумотларни излаш ва уларни топиш йўллари аниқлаш, Интернет тармоқларидан фойдаланиб маълумотлар тўплаш ва илмий изланишлар олиб бориш, илмий тўгарак доирасида ёки мустақил равишда илмий манбалардан фойдаланиб илмий мақола (тезис) ва маърузалар тайёрлаш кабилар талабаларнинг дарсда олган билимларини чуқурлаштиради, уларнинг мустақил фикрлаш ва ижодий қобилиятини ривожлантиради. Уй вазифаларини текшириш ва баҳолаш амалий машғулот олиб борувчи ўқитувчи томонидан, конспектларни ва мавзунини ўзлаштириш даражасини **текшириш** ва баҳолаш эса маъруза дарсларини олиб борувчи ўқитувчи томонидан ҳар дарсда амалга оширилади.
- Мустақил ишни ташкил этиш бўйича услубий кўрсатма ва тавсиялар, кейс-стади, вазиятли масалалар тўплами ишлаб чиқилади. Унда талабаларга асосий маъруза мавзулари бўйича амалий топшириқ, кейс-стадилар ечиш услуби ва мустақил ишлаш учун вазифалар белгиланади.

Шунингдек талабанинг мустақил иши бўлиб:

- График органайзерларни ишлаб чиқиш ва тўлдириш;

–Презентация ва видеороликлар тайёрлаш ҳамда мустақил иш жараёнида кенг қўллаш ва ҳ.к.

Фан бўйича курс иши (лойихаси)

Фан бўйича курс иши ўқув режасида кўзда тутилмаган.

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

Асосий адабиётлар

1. Парпиева Н.Н. ва ҳаммуаллиф. Фтизиатрия. Дарслик. Тошкент. 2019 й.
2. Убайдуллаев А.М. Сил касалиги. Қўлланма. Тошкент. Фан. 2009 й.

Қўшимча адабиётлар

1. Цогт Г., Чубаков Т., Кадыров А. Фтизиатрия. Учебник. Бишкек. KIRLand Print. 2017 г.
2. Ракишева А.С., Цогт Г. Фтизиатрия. Учебник. Алматы. USAID. 2014 г.
3. Перельман М. И., Богадельникова И.В. Фтизиатрия. Учебник. Москва. Геотар-Медиа. 2013 г.
4. Мишин В.Ю., Григорьев Ю.Г. Фтизиатрия. Учебник. Москва. Геотар-Медиа. 2007 г.
5. Бородулин Б.Е. Фтизиатрия. Учебник. Москва. Академия. 2006 г.
6. Визел А.А., Гурелева М.Е. Туберкулез. Учебное пособие. Москва. Медицина. 2000 г.
7. Ибрагимов М.А., Турсунов В.И., Содиков А.С. Туберкулез. Дарслик. Тошкент. Абу Али ибн Сино. 1999 й.
8. Греимер М.С., Фейгин М.И. Раннее выявления туберкулёза легких. Учебное пособие. Москва. Медицина. 1996 г.
9. Ганиев К.Г. Туберкулез касаллиги. Дарслик. Тошкент. Абу Али ибн Сино. 1995 й.
10. Тилляшайхов М.Н. ва ҳаммуалиф. Туберкуллезга қарши муасалаларда инфекцион назорат бўйича қўлланма. Тошкент. 2013 й.
11. Tuberculosis Infection Control. A Practical Manual for Preventing TB. Francis J. Curry National Tuberculosis Center. 2006 y.
12. Enarson D.A., Rider G.L., Arnadottir T., Tribuk A. Организация борьбы с туберкулёзом. Женева. ВОЗ. 2003 г.
13. Guideline for control of Tuberculosis in Prison. WHO. TB-CTA. ICRC. 2002 y.
14. Jon Crofton, Norman Horn, Fred Miller. Tuberculosis disease. T. 1999 y.

Интернет сайтлари:

1. www.tma.uz
2. www.medlinecs.ru
3. www.medbook.ru
4. www.ziyonet.uz